



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 10 декабрь, № 237 (5152)

Жума

## ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 9 декабрь куни Москва шаҳрига жўнаб кетди.

(ЎзА).

## ИСЛОМ КАРИМОВ МОСКВАГА КЕЛДИ

Москва, 9 декабрь.  
ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрига келди.

Мамлакатимиз раҳбари 10 декабрь куни бу ерда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиди.

## ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙўЛИДА

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик  
марказида 9 декабрь куни

Ўзбекистон — Британия Савдо ва саноат  
кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, нефть-газ, савдо-саноат, сармоя, фан-таълим, сайёҳлик, кимё, озик-овқат, фармацевтика ҳамда қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳалари учун масъул вазирилик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, комиссия хамраиси Э. Ганиев

Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасида имзоланган даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бар-тароф этишга, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга, иқтисодиёт,

таълим, фан ва маданият ҳамда ҳаво транспорти

алоқаси, шунингдек, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликка оид битимлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг январь — октябрь ойларида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2009 йилдагига нисбатан қарийб 12 фоиз ошди. Юртимизда британиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган 372 қўшма корхона, Буюк Британиядаги 109 фирма ва компаниянинг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар, асосан, озик-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сурғурта ва консалтинг соҳалари-га иқтисослаштирилган.

(Давоми 2-бетда).

### Анжуман

## ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ БИТИРУВЧИЛАРИ

Уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш устувор вазифага айланмоқда.



Мамлакатимизда эртамик ворислари бўлиши ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши ва иш билан таъминлиниши учун барча шарт-шароитни яратиш мақсадида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида ҳам бу ҳақда тўхталиб ўтди. Эеро, Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисидаги Президент Фармонида мувофиқ, касб-хўнар коллежлари ва олий ўқув юрталари битирувчилари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирилик, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилик, Ўрта махсус, касб-хўнар таълими маркази ва бошқа тегишли вазирлик ҳамда идоралар томонидан ушбу Фармон ижроси доирасида тарғибот, ташвиқот ва тушунтириш ишларини фаоллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига мувофиқ, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари тахририятида мазкур мавзуга бағишланган давра сўхбати бўлиб ўтди. Унда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилик, Давлат солиқ қўмитаси, Ўрта махсус, касб-хўнар таълими маркази ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар вакиллари иштирок этди.

4-бетга қаранс.

## 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

# ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда 2011 йилни мамлакатимизда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиш тақлифини йиғилганлар мамнуният билан қутиб олишди.

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг жозибadorлиги, бозор иқтисодиёти талабларига тезда мослашувчанлиги, энг асосийси, бир пайтда кўплаб янги иш ўринлари очиб имконияти мавжудлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ушбу соҳани ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётди.

Мазкур соҳа вакиллари, айниқса, иқтисодиётимизнинг савдо-сотик, алоқа ва хизмат кўрсатиш, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда етакчилик қилмоқда. Шу билан бирга, улар саноат ва юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Мамлакатимиз ялли ички маҳсулотиде бу субъектларнинг улуши тобора ортиб бораётгани шундан далолат беради. Айтайлик, 2000 йилда ялли ички маҳсулотнинг 30 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йил якунида ушбу кўрсаткич 53 фоизга етиши қутилаётгани эътиборга сазовордир.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: корхона ишчиси Ихтиёр Пулатов.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Пойтахтимизда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти" мавзусидаги медиа-форум доирасида Ижтимоий мавзудаги медиа-маҳсулотлар III миллий фестивали бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Бош прокуратура, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирилик, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Республика

## МЕДИА-МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ФЕСТИВАЛИ

наси ҳамда бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш, уларни янада эркинлаштириш,

(Давоми 2-бетда).

## СОЛИҚ ТИЗИМИДАГИ ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хайъатининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. Паргиев бошқарди.

Йиғилишда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси-даги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга қаратилди.

(Давоми 3-бетда).

### Дил сўзи

Инсон ҳар доим эзгу орзу-ният билан яшайди. Дилдаги истаклар ижобат топса, кўнгли бир олам қувончга тўлади. Шу маънода, бугун мен жуда ҳам бахтиёрман. Негаки, сеvimли касбим — шифокорлик туфайли халқимизга кўрсатаётган камтарона хизматим истиқлолнинг 19 йиллик байрами арафасида давлатимиз томонидан юксак баҳоланди.

## БАХТУ САОДАТИМДАН МАМНУНМАН

Қолаверса, ушбу касб ортидан обрў-эътиборга эришдим, хурмат қўймоқдаман. Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда инсон ва унинг манфаатларига устувор аҳамият қаратилаётганини самарасидир.

Давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида 2010 йилда барча соҳаларда эришган ютуқларимиз таҳлил қилинди.

Бугун мамнуният билан айта оламизки, юртимизда тиббиёт тизими тубдан ислох қилинди, аҳоли соғлигини сақлаш борасида ўзига хос, бетакрор ислохотлар амалга оширилди ва бу янгиланишлар халқаро миқёсда ҳам муносиб эътироф этилмоқда. Айниқса, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўлинига қаратилган эътибор туфайли минглаб қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар қад ростланди. Уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, юқори малакали кадрлар ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Ана шу ўзгаришлар меваси — Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия марказини олайлик. Бу ердаги қулай шарт-шароит, энг замонавий технологияларга хорижий мутахассислар ҳам ҳавас қилади. Энг муҳими, илгари фақат хорижий мамлакатларда амалга оширилиши мумкин бўлган ўта мураккаб диагностика ва кўз жароҳлик операциялари бугунги кунда ўз мутахассисларимиз томонидан амалга оширилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

## ГУРУР ВА ИФТИХОРИМИЗ РАМЗИ

Осуда ва фаровон ҳаёт кечириб, эзгу орзу-мақсадларга эришиш ҳар биримизнинг дилимиздаги истакдир. Яратганга шўқри, биз осмони мусаффо, истиқболи порлоқ юртининг фарзандларимиз. Ўзбекистонимиз ҳар жиҳатдан жадал ривожланиб бормоқда, халқимизнинг турмуш даражаси яхшиланиб, келажакка бўлган ишончи янада мустаҳкамланмоқда. Эришаётган бу муваффақиятларимиз халқаро миқёсда ҳам юксак даражада эътироф этилаётгани қувонarliдир.

бўлакча. Айниқса, ўзга элларда байроғимиз юксакларда ҳилпираб, мадҳиямиз янграган лаҳзаларда беихтиёр кўзимга ёш келади. Бир фарзанд сифатида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишдек бахт насиб этгани учун юрагимда беадад гурур ҳиссини туяман.

Яқинда Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган XVI Осиё ўйинларида спортнинг эркин кураш тури бўйича қатнашиб, ушбу нуфузли мусобақанинг олтин медалини қўлга киритдим. Фала-бам шарафига

## 10 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

Мустақиллик туфайли ўзлимизни топдик. Бугун биз келажаги порлоқ ўз юртимизга, ўз Конституциямизга, ўз давлат тилимизга, ўз байроғимизга, ўз гербимиз ва ўз Давлат мадҳиямизга эгамиз. Улар — бизнинг ўзлимиз, халқаро миқёсдаги бетакрор нуфузимиз, қадр-қимматимиз, ор-номусимиз рамзларидир. Шу боисдан уларни табаррук деб биламиз, эъзоз-лаймиз.

Шахсан мен учун севган спорт тури бўйича нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этиб, юқори поғоналардан жой олишининг завқи

Мадҳиямиз янграётган пайтда ич-ичимдан унга муҳлисларим ва яқинларим сиймоси гавдланди. Уларнинг ишончини оқлаганидан бениҳоя хурсанд эдим, шу тобда...

Икки нафар фарзандим бор, улар ҳар тонг уйғонишлари билан телевизор томоша қилишни хуш кўришади. Ва ҳар кун эрта тонгдан барчамиз учун муқаддас қўшиқ янграйди. Болалар қаддиларини тик тутиб, қўлларини кўксиларига қўйганча Мадҳияга жўр бўлишади.

(Давоми 2-бетда).



ЖАҲОН 24 соат ичида

Миннатдорлик ифодаси

Қатарда янги туғилган чақалоққа Фифа дея исми қўйилди.

Гап шундаки, қизалоқ 2 декабрь куни дунёга келган. Айнан шу куни футбол бўйича 2022 йилда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида Қатар мезбонлиги қилиши маълум бўлганди.



Чақалоқ онасининг айтишича, эр-хотин олдин қизга Дана, дея исми беришга келишиб олишган экан. Аммо улар 2022 йил чемпионати Қатарда ташкил этилишидан хабардор бўлишган, ФИФАга миннатдорлик ифодаси сифатида шу исмини танлашган.

Ноёб ҳайкалча сотилди

Рим императори Адриана (эрамиздан аввалги 138-117 йиллар)нинг севилгани Антониянинг мрамартошдан ясалган бюсти Нью-Йоркдаги "Sotheby's" аукционидида жуда қиммат нархда сотилди.



Манбага кўра, ўзини танитишни хоҳламаган милли-

ардер мазкур ҳайкалча учун 23,8 миллион АҚШ доллари миқдоридида маблаг тўлаган.

Ушбу ноёб санъат асари эрамиздан аввалги 130 йилда Антониянинг ўлимидан сўнг ясалган. Ҳайкал асл нусха бўлиб, унда Антония эканлигини тасдиқловчи битик ҳам бор.

Мукофотлар ўғирланди


Америкалик таниқли теннисчи Пит Сампраснинг фаолияти давомидида кўлга киритган кўлаб кубоклари ўғирлаб кетилди, деб ёздади "Los Angeles Times" нашри.

Спортчи жами 88 та мукофотидан айрилган. Теннисчи аввалги бу хабарга ишонмай, бойликлари сақланадиган жойда видеокамера ўрнатилгани ва бошқа хавфсизлик чоралари таъминланганини айтган. Бироқ ҳаммасини ўз кўзи билан кўргач, жиноятчилар тез орада топилиши ва қимматбаҳо буюмлари қайтарилишидан умидвор эканлигини билдирган.



Ҳаракат вақтинча тўхтатилди

Атлантика ва Тинч океанларини боғловчи Панама каналида кемалар ҳаракати тўхтаб қўйилди.



Бунга минтақада кузатилаётган кучли ёгинчилик туфайли каналнинг баъзи жойларида сув сатҳи кескин даражада кўтарилгани сабаб бўлган.

Панама каналида кемалар қатнови шу пайтгача охириги бор 1989 йилда вақтинча тақиқлаб қўйилганди.

Самолёт қулаб тушди

Римда унчалик катта бўлмаган самолёт автобус саройи устига қулаб тушди.

Бу ҳақда "Франс пресс" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Оқибатда бинода кучли ёнғин келиб чиққан ва бу ердаги бир неча транспорт воситасига жиддий зарар етган. Лайнер шаҳар шимоли-ғарбида жойлашган Урбе шаҳри аэропортидан ҳавога қўтарилганди. Фожиадан одамларга жабр етмади.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Advertisement for Russian Linoleum with contact information: тел. 234-48-11, факс 234-49-58.

Large advertisement for Hyundai Sonata car, featuring the slogan 'Drive your way' and 'Ўз йўлингни танла!'.

БАХТУ САОДАТИМДАН МАМНУНМАН

(Давами. Боши 1-бетда).

Мана бу рақамларга эътибор беринг: юртимиз клиникаларида кейинги уч йилнинг ўзидида 40 минг нафардан зиёд киши микрожарроҳлик йўли билан даволанди. Бу шунча одам ёруғ дунёни кўриб, ҳаёт гўзалликларидан баҳра олиш бахтига мушарраф бўлди, деганидир.

Истиқлол йилларида биз, тиббиёт ходимлари Германия, АҚШ, Япония каби ривожланган мамлакатлардаги мутахассислар билан фикр алмашиш, анжуманларда қатнашиш ва малака ошириш имкониятларига эга бўлдик. Илгари бундай тажриба алмашувни фақат орзу қилиш мумкин эди, холос.

Сўзимнинг бошида бахтли аёлман, дедим. Зеро, Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллик тантаналари арафасида ушбу мукофотни кўлга олар эканман, инсон эъзоз ва эътибор топаётган юрда туғилганим учун Яратганга беадад шукроналар айтдим. Бу юксак мукофот мени эл-юрт саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида янада тинмай фидойилик билан меҳнат қилишга ундайверади.

Шифокор сифатида тилагим шуки, халқимиз доимо соғ бўлсин, ҳеч қачон танаси дард кўрмасин. Кўзларимиз олис уфқлар, юксак марраларни кўзлаб доимо нурафшон бўлсин!

Шоҳида ДАДАМУҲАМЕДОВА, Тошкент шаҳар 1-сонли болалар клиник шифохонаси кўз микрохирургияси бўлими мудири, тиббиёт фанлари номоди, «Шўҳрат» медали соҳиби.

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

Эгалланган лавозимларга қўйидаги кафедралар бўйича танлов эълон қилади:

- Болалар юқумли касалликлари кафедраси: доцент.
Ички касалликлар ва телемедицина кафедраси: доцент.
Гигиена кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи.
Соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, бошқариш ва молиялаштириш кафедраси: профессор, доцент (2).
2-акusherлик ва гинекология кафедраси: доцент, ассистент.
Нейрореабилитация ва шарқ тиббиёти кафедраси: доцент.
Неврология кафедраси: ассистент.
Неонатология кафедраси: ассистент (2).
Фтизиатрия кафедраси: доцент.
Онкология кафедраси: доцент (2), ассистент.
Клиник лаборатор диагностика кафедраси: доцент, ассистент.
Оториноларингология кафедраси: кафедра мудири.
Акушерлик, гинекология ва перинатал медицина кафедраси: профессор, доцент.
Ўсмирлар, қақирув ёшдагилар касалликлари ва экспертиза курси: ассистент.
Юқумли касалликлар кафедраси: профессор.
Функционал диагностика кафедраси: доцент (2).
Эпидемиология кафедраси: кафедра мудири.
Кардиология кафедраси: доцент.
Эндокринология кафедраси: ассистент (2).
Ультратовуш диагностика кафедраси: катта ўқитувчи.
1-стоматология кафедраси: ассистент.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Телефон: (8-371) 267-60-74.

(Давами. Боши 1-бетда).

демократик бозор ислохотлари ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштириш йўналишида амалга оширилиши зарур бўлган истикболдаги энг муҳим стратегик вазифалар белгилаб берилди.

Ҳайъат йиғилишида юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг изчиллигини ҳамда уларнинг замонавий бозор нормаларига мувофиқлиги

йўлини муваффақиятли яқунлаш борасида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар кўриб чиқилди.

Ҳайъат йиғилишида солиқ қарзини мажбурий ундиришга қаратилган чора-тадбирларнинг натижалари танқидий кўриб чиқилди. Жойларда мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Республикада нақд пул муомаласи жараёнини тако-

Солиқ тизимидаги вазифалар

ни таъминлаш, иқтисодий бозорчиликни янада тақомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича билдирилган тақдирлар ижросини таъминлашда давлат солиқ хизмати органлари олдидида турган вазифалар атрофида муҳокама этилди. Бу борада чора-тадбирлар белгилаб, аниқ режалар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 8 январдаги "Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан Тошкент шаҳри, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида олиб борилган ишлар ва 2011 йилда бажариладиган чора-тадбирлар, солиқ органларининг 2010 йил 11 ойлик фаолияти яқунлари ҳамда

миллаштириш ва пул маблағларининг банкдан ташқари айлангани ҳажмини қўшқартириш юзасидан давлат солиқ хизмати органлари томонидан олиб борилаётган ишларнинг ахволи Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мисолида таҳлил қилинди ҳамда, бу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтариш лозимлиги таъкидланди.

Кўн тартибидида масалалар юзасидан ҳудудий давлат солиқ бошқармалари бошлиқларининг ҳисоботлари тингланди. Ҳа фаолиятида хато ва камчиликларга йўл қўйган жойлардаги давлат солиқ хизмати органларининг 17 нафар раҳбарлари масъулияти кўриб чиқилиб, уларга нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилиши белгиланди.

Давлат солиқ қўмитаси Ахборот хизмати.

«Respublika Mulk-Auksioni» ДК аукцион савдоларига таклиф этади. 2011 йил 13 январь соат 16.00 дан бошлаб бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 19-уйда жойлашган Республика Инкассация бирлашмаси ҳисобидидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади.

ПП «ЧИРЧИК ШАНХАЙ ПЛАСТ» ООО ПРОИЗВОДИТ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ ДЛЯ ВОДОСНАБЖЕНИЯ, ГАЗОСНАБЖЕНИЯ И ДЛЯ КАНАЛИЗАЦИИ. Давлат синови ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси Устав фондини 148366169 сўм 54 тийиндан 147946799 сўм 41 тийинга камайтираётганини маълум қилади.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган).

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган энгил ва юк автомобилларини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотади.

Ушбу жойда Сизнинг рекламаниз бўлиши мумкин эди! Реклама бизнесингизни қўлаб-қувватлайди!

